

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

УСАРОВА ЛАЙЛО ИБРАГИМОВНА

АБДУЛЛА ОРИПОВ АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ РУҲ ИФОДАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Усарова Лайло Ибрагимовна

Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси 3

Усарова Лайло Ибрагимовна

Выражение национального духа в творчестве Абдуллы Арипова 29

Usarova Laylo Ibrahimovna

National spirit expression in Abdulla Oripov's poetry 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

УСАРОВА ЛАЙЛО ИБРАГИМОВНА

АБДУЛЛА ОРИПОВ АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ РУҲ ИФОДАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil542 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жуманазаров Умрзоқ Абдураззоқович
филология фанлари доктори, профессор

Милиев Сувонкул

филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» декабрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «21» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «26» декабрь даги 24 рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирождинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Б.Н.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий адабиёт умуминсоний аҳамиятга эга бўлса-да, моҳиятан муайян халқнинг руҳини ифодалаш, поэтик мазмун, поэтик шакл ва поэтик образ ана шу мақсадга хизмат қилиши масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Айни хусусият шеъриятда, айниқса, ёрқинроқ намоён бўлиши ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг асосини ташкил этади. Ушбу илмий муаммони шеъриятда мактаб яратган шоирлар ижоди мисолида тадқиқ этиш, улар ижод лабораториясига хос индивидуал хусусиятлар таҳлили амалга ошириш адабиётшуносликда янги илмий-назарий хулосаларга олиб келиши жиҳатидан долзарбдир.

Дунё адабиётшунослигида жаҳон халқлари шеъриятида миллий рух ифодаси, ушбу поэтик ҳодисага хос бадий-эстетик қонуниятлар, унинг юзага келиш тамойиллари, образ ва мотивлар моҳиятидаги талқини, муайян миллат поэтик тафаккури янгиланишига таъсири сингари муҳим масалалар ўрганилиб келинмоқда. Ушбу йўналишдаги изланишларни адабиётшунослик олдидаги замонавий талаблар даражасида изчил давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб турибди.

Ўзбек адабиётшунослигида миллий шеъриятимизнинг атоқли намояндalари ижодида миллий рух талқини юзасидан муайян илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Янги замон ўзбек шеъриятида ўзига хос мактаб яратган шоир Абдулла Орипов назмий меросини айни шу муаммо нуқтаи назаридан илмий-назарий аспектда ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан. Чунки “Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод эди. Унинг юксак бадий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнгилдан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, дoston ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб кўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбида мангу яшайди”¹. Абдулла Ориповнинг замонавий ўзбек адабиётини юксалтиришдаги хизматлари, миллий рух ифодасида халқимизнинг кўп асрлик оғзаки ижоди анъаналари, мумтоз шеъриятимиз ва жаҳон бадий-эстетик тафаккури тажрибаларига таяниши, шоир асарларида миллат руҳининг намоён бўлиш усуллари тадқиқини амалга ошириш бугунги ўзбек адабиётшунослиги олдида турган долзарб илмий муаммолардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш

¹Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир. //Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшуносликда Абдулла Орипов ижоди бўйича бир қанча тадқиқотлар яратилган. Шоир асарлари Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Сувон Мелиев, Иброҳим Ғафуров, Қозоқбой Йўлдошев, Абдулла Улуғов, Нурбой Жабборов, Нафас Шодмонов, Узоқ Жўрақулов, Илҳом Ғаниев, Нодира Афоқова, Дониёр Бегимқулов, Гулбаҳор Ашурова, Акрам Ҳамдамов² каби олимлар ва тадқиқотчилар томонидан турли аспектларда ўрганилган. Академик Матёқуб Қўшжонов шоирнинг адабий портретини яратиш, ижодий эволюциясини ўрганиш баробарида бетакрор миллий образлар яратиш борасидаги бадиий кашфиётларини аниқлаган. Иброҳим Ғафуров шоирнинг бадиий характер яратиш борасидаги ижодий кашфиётларини очиб берган. Сувон Мели шоир асарларини поэтик ғоя ва ижод концепцияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. Профессорлар Қозоқбой Йўлдошев ижодкор шеърларида миллий руҳнинг сувратланиши, Нурбой Жабборов ижодкор тутуми ҳамда унинг лирик асарларида Алишер Навоий анъаналарининг поэтик синтези ва янгиланиши, Нафас Шодмонов шоир ижодида фалсафий моҳиятнинг бадиий талқини, Узоқ Жўрақулов шоир шеърляти образларининг психобиографик хусусиятлари масалаларини тадқиқ қилган. Нодира Афоқова шоирнинг мумтоз бадиий санъатларни қўллаш маҳоратини, Гулбаҳор Ашурова ижодкор асарларида сўз ва тимсол уйғунлиги муаммосини ўрганган. Акрам Ҳамдамов шоир шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммосини таҳлил этган. Ижодкор асарлари бадиий образ ва образлилик, психологик тасвир

² Қўшжонов М. Онажоним шеърлят. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т., Ёш гвардия, 1979; Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. – Т., Маънавият, 2001; Мелиев С. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020; Ғафуров И. Лириканинг юраги. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1982. 224 бет; Йўлдошев Қ. Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018; Улуғов А. Асл асарлар сеҳри. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент. 2007; Жабборов Н. Замон, мезон шеърлят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Шодмонов Н. Шоир ижодининг олмос кирралари. /Ўзимники эрур шу созим. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2011. – Б.45-53; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Филол.фанл.номз... дисс. – Т., 1998; Жўрақулов У. Армон талқинлари. /Худудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006, 143-151-бетлар; Ғаниев И., Афоқова Н. Озод рух фалсафаси. – Т., Фан, 2007; Ашурова Г.Сўз ва тимсол уйғунлиги. – Т., Маънавият, 2007; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол.фанл.номз... дисс. – Т., 2011.

махорати, поэтик тасвир, давр ва қаҳрамон талқини, бадиий тафаккур тадрижи, лирик ифода кўлами, ҳажвнавислик маҳорати сингари мавзулар бўйича ҳам тадқиқ қилинган³.

Бундан ташқари, Абдусайд Кўчимов шоирнинг биографияси, дунёқараши, қизиқиш доираси, адабий муҳити, тафаккур кўлами, шоир ижодининг тадқиқотчилар эътиборидан четда келаётган қирралари ҳақида фикр юритган бўлса, Акмал Саидов ва Ғулом Мирзо Абдулла Орипов муаллифлигида давлат мадҳиясининг яратилиши, шоир ижодида Амир Темур сиймоси, шоирнинг таржимонлик маҳорати сингари масалалар юзасидан эътиборга молик тадқиқотларни амалга оширган⁴.

Мазкур тадқиқотларда Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодаси масаласига у ёки бу даражада муносабат билдирилган. Лекин ушбу мавзу монографик асосда алоҳида тадқиқ қилинган эмас. Бу эса, диссертацияда қўйилган илмий муаммонинг махсус тадқиқ қилиниши адабиётшунослик кун тартибида турганини англатади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодасининг поэтик мазмун, шакл ва образда намоён бўлиш қонуниятлари ҳамда миллий рух талқинида поэтик услубнинг ўрнини илмий-назарий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абдулла Орипов асарларида миллий рухнинг поэтик мазмундаги ифодасини ўрганиш;

поэтик шакл – шоир лирикасида миллий рух ифодасининг бадиий-эстетик воситаси эканини асослаш;

Ватан, она, халқ образларининг миллий рух талқинида тутган ўрнини аниқлаш;

Абдулла Орипов лирикасида халқона услубнинг миллий рух ифодасидаги аҳамиятини ёритиш;

³ Қосимов Я. Ўзбек шеърятинида поэтик фикрнинг янгилашиш жараёни: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 1993; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол.фан.номз...дисс. - Т., 2004; Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс... докт.филол.наук. - Т., 1991; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати: Филол.фан.докт... дисс... автореф. – Т., 1999; Курбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятинида образлилик: Филол. фан. номз... дисс. - Т., 2005; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол.фан.докт...дисс. - Т., 1996; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 1994; Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётинида насрий шеър: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 1995; Маматова А. Ўзбек адабиётинида сарбаст шеърнинг шаклланиши ва унинг бадиий-эстетик хусусиятлари: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 2000; Хамдамов У. XX аср ўзбек шеърятини бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 2018; Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати: Филол. фан. фалс. докт... дисс. – Қарши, 2020.

⁴Кўчимов А. Мен шоирман, истасангиз шу... – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 198 б.; Саидов А. Мирзо Ғ. Сен баҳорни соғинадингми? – Тошкент: Mashhur-press, 2019. – 214 б.

шоирнинг миллий рух ифодасида мумтоз поэтик услубдан фойдаланиш маҳоратини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Ориповнинг 2001-2016 йиллар оралиғида нашр қилинган саккиз жилдлик ва 2019 йили чоп этилган “Танланган асарлар”и ҳамда 2015 йили босилиб чиққан “Эверест ва уммон” шеърлар тўплами олинган.

Тадқиқотнинг предметини Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодасида поэтик мазмун, поэтик шакл ва поэтик образнинг тутган ўрни, халқона ва мумтоз бадиий услубнинг адабий-эстетик вазифасини тадқиқ қилиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, аналитик, герменевтик, биографик ҳамда социологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абдулла Орипов асарларида поэтик мазмун ва миллий рух ифодасиаро уйғунлик масаласи миллатнинг ахлоқи, иродаси ва эътиқодига доир асарлар мисолида очиб берилган;

шоир қайси поэтик шаклда ёзмасин, учлик, тўртлик ёки саккизликми, ғазал ёки мухаммасми – барчасида миллий рух етакчилик қилиши, ҳаёт фалсафаси бетақрор талқин этилиши исботланган;

ижодкор лирикасида халқ ва Ватан образи узвий боғлиқликда тасвирлангани, халқ образи ижодкор шеърлятида миллат, онага қиёсланувчи суюкли эл маъноларини ифодалагани, она образи, биринчидан, автобиографик аҳамиятга эга бўлиб, уларда ижодкорнинг кечинмалари ва рухий олами тасвирлангани, иккинчидан, улар шоир бадиий-эстетик идеали орқали миллий рухни ифода этгани далилланган;

Абдулла Орипов асарларида миллий рух халқона ва мумтоз поэтик услубларда талқин этилгани илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

шоир асарларида бадиий тасвирий воситалар миллий рух ифодасига хизмат қилдирилгани илмий далилланган;

ижодкор лирик асарлари таҳлили асосида миллий рух ифодасида поэтик мазмун ва поэтик шаклнинг аҳамияти аниқланган;

шоирнинг образ яратиш маҳорати, миллий рухнинг образли тасвири масаласини таҳлил этиш орқали ўзбек шеърлятининг кейинги ярим асрлик тараққиёти асослари кўрсатилган;

Абдулла Орипов асарлари жаҳон адабий-эстетик тафаккури ютуқларини бадиий синтез қилишида халқона ва мумтоз поэтик услубнинг ўрни ёритиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан

тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Абдулла Орипов асарларига оид тадқиқотларда эришилган илмий ютуқлар ва назарий фикрларни тўлдиради, поэтик мазмун, поэтик шакл ва поэтик образнинг миллий руҳ ифодасидаги ўрни ҳамда халқона ва мумтоз поэтик услубнинг бадиий-эстетик вазифаси ҳақидаги назарий қарашлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий ўзбек шеъриятининг тарққиёт тамойиллари ва тенденциясига доир илмий изланишлар учун материал бера олади, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида “Адабиёт назарияси”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Ўзбек адабий танқиди” каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида: миллий руҳ талқинида поэтик мазмун ва поэтик шаклнинг тутган ўрнига доир илмий-назарий қарашлардан; Абдулла Орипов асарларида миллий руҳнинг Ватан, халқ, она образлари орқали ифодаланиши тамойиллари билан боғлиқ хулосалардан; миллий руҳ талқинида бадиий нутқ ва поэтик услубнинг аҳамиятига оид илмий хулосалардан ОТ-А1-46 рақамли “Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш” мавзусидаги (2017-2019) амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 89-03-4257-сон маълумотномаси). Натижада адабий асарда поэтик шакл ва поэтик мазмун, бадиий асар мазмуни, бадиий образ ва образлилик, миллий руҳ ифодаси, бадиий нутқ ва унинг қурилиши, шеърий нутқ турлари, лирик асарда бадиий услуб сингари масалаларга доир назарий қарашлар янги факт ва маълумотлар, янги илмий хулосалар билан бойитилган;

Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ва миллий тафаккурнинг бадиий ифодаси масалаларига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият ҳамда Адабий танқид кенгашларининг 2019 ва 2020 йиллардаги йиллик истиқболли режалари ва дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 01-03-07/911-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси истиқболли режа ва дастурлари миллий руҳнинг поэтик мазмун, шакл ва образдаги талқини, адабий-эстетик тафаккур ривожига таъсири масалалари билан бойитилган;

Абдулла Орипов шеъриятида миллий руҳнинг бадиий мазмун, шакл ва образдаги ифодаси таҳлилига доир илмий материаллардан “O‘zbekiston” телеканалда “Ассалом, Ўзбекистон”, “Ижод маҳсули”, “Ибратга йўғрилган умр”, “Қалб гавҳари” ҳамда “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу” ва “Такдимот” номли кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 ноябрдаги 01-13-

1044-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларнинг сифати ошиб, замонавий шеърятнинг миллий маънавиятимизни бойитишдаги ўрнини кўрсатишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 3 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий рух талқинида поэтик мазмун ва поэтик шаклнинг ўрни”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фаслда **“Поэтик мазмун ва миллий рух ифодаси ро уйғунлик”** масаласи тадқиқ қилинган. Бадиий адабиётда миллий рух куйидагича акс этади: **“1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзулари, армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши.** Биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади”⁵. Абдулла Қодирийнинг **“Ўткан кунлар”** романи таҳлили муносабати билан белгиланган ушбу тамойилларни Абдулла Орипов асарларида миллий руҳнинг поэтик мазмунда ифодаланиши тадқиқига ҳам қўллаш мумкин.

1. Миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзулари, армонлари талқини. Абдулла Ориповнинг **“Одамлар”** шеъри – ушбу мавзуда ёзилган асарларнинг энг сараларидан. Шеърда ҳаётнинг теран фалсафаси, ўзбекнинг асл табиати сувратланган:

⁵Жабборов Н. “Ўткан кунлар”да миллий рух ифодаси. //Филология масалалари, 2020, 2-сон. – Б. 35

– Эй, йўловчи, бўла қол қўноқ,
Уйда борин кўрамиз баҳам.
Тагин ўзинг биласан, бироқ
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам.

Шоир шеърларида ҳар бир сўз, ҳар бир иборага алоҳида диққат қаратилади. Йўловчи тунашга жой сўрашга улгурмай туриб, бу таклиф мезбондан чиқяпти. “Меҳмон” сўзининг туркий эквиваленти – “қўноқ” қўлланиши, чинакам ўзбекча иборалар (“Уйда борин кўрамиз баҳам”) танлангани миллий руҳ ифодасини кучайтирган. Шеърда кичик бўлса ҳам сюжет – муайян воқелик тасвири бор. Композиция – *йўловчининг келиши– мезбоннинг таклифи – меҳмондорчилик – қўноқнинг хайрлашиб кетиши – поэтик хулоса* мукамал. “Келтиради топган-тутганни” – ўзбекнинг асл табиатини акс эттирган ифода. Ушбу ибора орқали чинакам миллий характер – ўзбекнинг уйда борини меҳмондан аямаслиги талқин этилган. Бадиий умумлашмада ўзбекнинг тоза ва самимий туйғуларга ошно кўнгли, ўзи танимаган одамни ҳам меҳмон қилар экан, бу ишни ҳеч қандай ғаразсиз, тамасиз бажариши акс этган.

“Генетика” шеърида миллатнинг аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган хислатлари уч авлод: *боболар-фарзандлар-набиралар* ўртасидаги ришталар ҳамда уч замон: *ўтмиш–бузун-келажак* ҳақидаги теран фалсафий қарашлари бадиий талқин этилган.

Мен ҳам яшайпман ўз замонимда,
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ.
Ва лекин билмадим менинг қонимда
Қайси бир бобомнинг хислати кўпроқ.

Абдулла Орипов ирсият қонуниятларидан бадиий кашфиёт яратади. Ўзини буюк аждодлари билан боғлаб турган ришталар ҳақидаги қарашлардан мана бундай поэтик умумлашма чиқаради: “*Оҳу боласи бу – оҳудай боққан, Шерваччада эса шернинг шиддати. Авлодлар қонида минг йиллаб оққан Буюк боболарнинг турфа хислати*”. Миллатнинг ахлоқи, маънавий бутунлиги аждодлардан мерос фазилатлар туфайли эканини шоир: “*Неки эзгулик бор жаҳонда пойдор Жойлаб ола билдик барчасин қонга*”, дея ўқувчи қалби ва руҳига жойлайди. Модомики ҳаёт давом этаётган экан, биз ҳам келажакка ниманидир қолдиришимиз зарур. Шоирни ана шу савол қийнайди. Шу боис буюк сайёрани – она заминни ягона Ватан деб билгувчи, *ўз бахтидан ўзи ҳам сархуш, нурдай пок, шиқдай безавол* авлод етишмоғини орзу қилади.

2. Миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси.
Бу хусусият Абдулла Ориповнинг дастлабки шеърларидаёқ намоён бўлган. Шоир миллатнинг миллат бўлишини орзу қилди, бу йўлдаги энг катта тўсиқ – оломончилик кайфиятини қоралади. Миллатни ичдан емирадиган ҳасад ва манманлик, фитна-фасод ва ифвогарлик каби иллатларга қарши курашди. Уларнинг шахс камолоти ва жамият равнақиға салбий таъсирини теран фалсафий мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида талқин этди. “Ишонч кўприклари” шеъри бу жихатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Юздан парда кетса,
Дилдан диёнат,
Меҳр ришталари зимдан узилса;
Юракларни босса шубҳа, хиёнат,
Ишонч кўприклари бузилса....

Дунёга илму маърифатдан, одоб-ахлоқдан сабоқ бериб келган миллатнинг асл фазилатларини бой бера бошлагани шоир қалбини изтиробга солади. Ҳаёси билан бошқаларга ўрнатилган бўлган элнинг юзидан парда, дилидан диёнат кетиши, энг оғир ва мураккаб замонларда унга қудрат бағишлаган меҳр ришталари узилиши, юрагини шубҳаю хиёнат эгаллаши, сўнгги илинж – ишонч кўприklarининг бузилиши, шоир наздида, чинакам фожиа. Ижодкор ҳар бир сўзни, ҳар бир поэтик детални, ҳар бир образ ва тасвирни миллий ахлоқ билан боғлиқликда қўллайди. Унинг йўқолиб бораётгани миллатнинг ўзлигини бой беришга олиб келишидан хавотир билдиради. Қозоқбой Йўлдошев фикрича: “Абдулла Ориф шеърини ёмонликка мурасасиз шахснинг ёлқинли иқдорларидир. Инсонга улкан муҳаббат туйган шоир уни комил кўрмоқ истайди. Одамга эса адоқсиз нуқсон иллатлар хослиги шоир руҳиятини қиймалайди... Образларнинг теран халқчил томирларга эгаллиги Абдулла Ориф асарларини миллат руҳининг сувратларига айлантди”⁶.

3. Миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши.
Абдулла Орипов асарларида миллий руҳнинг эътиқодий тушунчалар орқали ифодаланиши шоир ижодининг илк давридан кузатилади. 1963 йили ёзилган “Бахт кутмасман...” шеъри бунинг ёрқин исботидир. Одамга одам бахт беролмаслиги талқини замирида бахт берувчи илоҳий зот борлиги билан боғлиқ фикр яширинган. Шоир жамиятдаги бу ҳодисани табиат воқелиги мисолида бениҳоя оҳорли ва таъсирчан ифодалайди. Гавжум бутуқдан бир япроқ чирт узилиб тушди. Барглар гарчи фироқдан йиғласа ҳам, дўстини кутқара олмайди. Чунки бу – илоҳий тақдир ҳукми. Ижодининг дастлабки кезларидаёқ шеър тағматнида бундай теран фикрни ифодалай олиш шоирдан нодир истеъдод билан бирга чинакам жасоратни ҳам талаб этгани сир эмас.

Оёқнинг ердан узилиши – чинакам ўзбекча ифода. Бу ибора одатда инсоннинг ўз моҳиятидан йироқлашувини англатади. Абдулла Орипов тўрт қатор шеърда бу теран ҳақиқатни мана бу тарзда бетакрор талқин этади:

Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,
Эсга тушар дорнинг сиёғи.
Ажаб ҳикмат, одам ўларкан
Узилганда... ердан оёғи.

Шоирнинг “Савоб” шеърида миллат эътиқодининг устуни бўлган тушунчалардан бири бадий сувратлантирилган бўлса, “Руҳим” шеърида вужуднинг – модданинг бирламчи экани ҳақидаги даҳриёна қарашлар моҳиятан пуч экани ўз ифодасини топган. Маълум бўладики, “Ҳикмат садолари”, “Ҳаж дафтари” туркумларининг яратилиши тасодифий эмас.

⁶Йўлдошев Қ. Сувратланган миллий руҳ. /Сўз ёлқини. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – Б.247

Уларнинг юзага келиши шоирнинг дунёкараши, ижодий нияти маҳсулидир. “Инсон”, “Каъбатуллоҳ” шеърлари таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Умуман, Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси миллат ахлоқи, иродаси ва эътиқоди сингари ўзак тушунчаларга таянади.

Бобнинг иккинчи фаслида “*Миллий руҳ талқинида поэтик шаклнинг вазифаси*” ўрганилган. Абдулла Орипов шеърини поэтик шаклнинг ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шоир учлик, тўртлик, олтилик, саккизлик, ғазал, дoston каби турли шеърини шаклларда маҳорат билан ижод қилди. Қайси поэтик шаклда ёзмасин, шоир шеърларида инсон ва унинг туйғулар олами, миллий руҳ ва унинг бетакрор талқини ифодалангани кузатилади. В.Е.Хализев фикрича: “Инсон руҳий ҳолатлари лирикада турли хил шаклларда: тўғридан-тўғри ва очик, самимий изҳор орқали, тазарру руҳидаги монологлар ҳамда ташқи муҳит (тавсифий лирика, аксар ҳолларда пейзаж) тасвири воситасида ёки муайян воқелик моҳиятининг ифодаси шаклида акс эттирилади”⁷.

Шоир асарларида миллий руҳ ҳаёт фалсафаси билан уйғунликда ифодаланади. “Ранглар ва оҳанглар” номли шеърини тўпламидан ўрин олган учликлар инсон руҳиятида кечадиган мураккаб жараёнларни: самимий изҳорлару тубсиз изтиробларни, тоза, пок орзулару адоқсиз армонларни акс эттиргани билан характерланади. “Уйғунлик” сарлавҳали учлигида шоир, жумладан, мана бундай ёзади:

Олам уйғунликдан иборат асли,
Бўшлиқ деганлари йўқдир мутлақо,
Маконни нимадир тўлғизиб турар.

Ижодкор фикрича, бу ёруғ олам – уйғунлик тимсоли. Ундаги барча нарса мутаносиб яратилган. Агар инсон тафаккур назари билан қараса, оламда бўшлиқ йўқ эканига ишонч ҳосил қилади. Кейинги мисраларда шоир ижодий нияти очила боради: “*Сувсиз идишда ҳам зангор ҳаво бор, Қоп-қора коинот қаърида эса Вақт яшар, жисмсиз руҳлар кезади*”.

Абдулла Орипов – файласуф шоир. Унинг ҳар бир шеъри, ҳар бир сатри замирида катта ҳаёт фалсафаси тасвирланади. Шу боис унинг шеърлари ўқувчини ҳам ҳаётга теран тафаккур билан, кўнгил кўзи билан қарашга ундайди. Шоир бу ёруғ оламдаги уйғунликнинг асосини муҳаббатда кўради: “*Буюк истисно бор дунёда бироқ, Бунёд этиб бўлмас уни қўл билан Муҳаббат дейдилар уни, Муҳаббат*”. Ижодкор талқинича, бу туйғунинг қайдан келганини ҳеч ким билмайди. Фақат бир нарса аён: у худди қуёш нурлари мисол ҳаммага баробар, барча учун тенг. У туфайлигина бу қоришиқ хилқат одамзод кўзига яшнаб кўринади. Фақат угина зулматни маҳв этишга қодир. У шунчалик сирли кудратки, тоғлардан буюгу гуллардан нозик. Шу боис унинг қадри жондан ҳам азизроқдир. Муҳаббатнинг шундай синоати борки, унинг қошида ваҳший қоялар шам каби ожиз, денгиз тўфонлари эса ҳарирдек ғужум. Шеърнинг поэтик хулосаси оламдаги уйғунликнинг асосини умумлашма образларда намоён этиши жиҳатидан қимматлидир:

⁷Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – С.200-201

У боис сен учун бетимсол миллат,
У боис сен учун тилинг ҳам тансиқ,
У боис сен учун муқаддас Ватан!

Ушбу поэтик хулосадан ҳам кўринадики, Абдулла Орипов ҳар бир ҳодиса замирида Ватан ва миллатни кўради. Шоирнинг ҳар бир сатрида миллий руҳ барқ уриб туради. Нурбой Жабборов фикрича: “Абдулла Орипов – мутафаккир шоир. Шунинг учун ҳам у бошқаларнинг етти ухлаб тушига кириши маҳол бўлган оригинал бадиий умумлашмаларга кела олади. Унингча, ижодга азм этган шоир рангларни зоҳир кўзи билан эмас, ботин дийдаси билан идрок этмоғи керак. Чунки шоир кўзи сураткаш анжоми бўлмагани каби қулоғи ҳам оддий сомё эмас – улар нозик меҳробларга тегишли. Яъни ижодкорнинг назари ҳеч ким илғамаган гўзалликни пайқаш зарур. Шоирнинг қулоғи бирор одам боласи эшитиши мумкин бўлмаган оҳангларни тингламоғи керак”⁸.

Абдулла Орипов ижодида шеърнинг тўртлик шакли алоҳида ўрин тутди. Тўртликлар шоирнинг оз сўзда кўп маънони миллий руҳ уйғунлигида юксак санъаткорлик билан ифодалай олиш салоҳияти исботидир. Қуйидаги тўртликда инсон, унинг кечинмалари, маънавий-руҳий олами ҳақидаги фалсафий умумлашмалар бетакрор бадиий талқин этилган:

Жами одамлардан етса-ю хатар,
Ёнингда дўст қолса ҳатто бир нафар,
Билгилки, дунёда ёлғиз эмассан,
Даврингни суравер, то рўзи Маҳшар!

Чин дўст излаш туйғусининг поэтик ифодаси шеърятимизда муайян анъанага эга. Ҳазрат Навоий: *Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст*, деб ёзса, Фурқат: “*Оҳким, йўқтур манинг табъимга лойиқ улфатим*”, дея фарёд чекади. Абдулла Орипов билан замондош шоир Эркин Воҳидов бу борадаги қарашларини: “*Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст қанча бўлса оз, Кўп эрур бисёр душман бўлса гар бир дона ҳам*”, тарзида ўзига хос ифодалайди. Абдулла Орипов ҳам дўстдан душман кўплигини кўриб, озор чекади. Ҳақиқий дўстни излайди, биргина содиқ дўст бўлса ҳам шукрона айтиш зарурлигини айтади.

Шоир олтиликлари мумтоз шеърятдаги мусаддасдан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Биринчи ва энг асосий фарқи, улар бармоқ вазнида ёзилган. Иккинчидан, қофияланиш тизими ҳам ўзгача: *а-а-а-а-б-б*. Шунинг учун уларни мусаддас эмас, олтилик деб аташ тўғрироқ бўлади.

Шеърятда саккизлик шаклнинг мустаҳкам ўрин эгаллаши ўтган асрнинг 60-йилларига, айнан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби улуғ шоирларимиз фаол ижод билан шуғулланган кезларга тўғри келади. Абдулла Ориповнинг ушбу шаклдаги шеърлари фалсафий теранлиги, ўзбек миллий тафаккури ўзига хос бадиий талқини этилгани, поэтик мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг “Яшасанг...”, “Арслон чорлаганди...”, “Дунёда диёнат...”, “Шоир умри”, “Ердан ўзга жойда...”, “Исм ҳақида”,

⁸Жабборов Н. Замон, мезон, шеърят. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 30.

“Ҳазил” каби саккизлик шаклидаги шеърлари айни хусусиятлари билан миллий поэтик тафаккур ривожига беқиёс ҳисса бўлиб кўшилгани маълум.

“Юзма-юз”, “Баҳор”, “Қарши кўшиғи” сингари шеърлари шоир ижодида миллий руҳ ифодаланган шеърӣй шакллар қамрови кенг эканини кўрсатади. Ғазал ва мухаммаслари шоирнинг мумтоз шеърӣй шаклларда ҳам миллатнинг руҳиятини санъаткорона талқин эта билгани исботидир.

Ишнинг иккинчи бобида илмий муаммо **“Поэтик образ – миллий руҳ ифодасининг асоси”** тарзида белгиланган. Бобнинг биринчи фаслида *“Шоир шеъриятида миллий руҳнинг Ватан, халқ образларида воқеланиши”* масаласи ўрганилган. Абдулла Орипов Ватан ҳақида ҳеч кимга ўхшатмай ёза олиши, бу образ замирига теран моҳиятни жойлай билиши, сирли руҳни мужассам этиш салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Ватан тушунчаси мавҳумлаштирилган мураккаб бир замонда “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърининг пайдо бўлиши миллат қалбига чакмоқдек таъсир қилди. “Шеър яратилган 1964 йилда ватан, халқ ҳақида чучмал, таъсирсиз сўзлар назм намунаси ўлароқ тақдим этилар, уларнинг деярли барчасида бир хил яшасинчилик руҳи ҳукмрон эди. Ўзбек шеъриятида бирданига яшин чақнади, момоқалди роқ гулдиреди гўё. Бу яшин сабабли ватанинг бутуниттифоқ, миллатинг – совет, деган сохта туйғуларга ўт кетди. Бу момоқалди роқ Ватан ҳақидаги кўнгилда яшириниб ётган кечинмалардан бонг урди. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” – бундай саволни унғача ҳеч ким бу тарзда кун тартибига қўя олмаган эди”⁹.

Шеър риторик савол билан бошланади. У зоҳиран шоирнинг ўз-ўзига саволи бўлиб туюлса-да, аслида ўзлигидан йироқлаштирилган, мавҳум туйғулар гирдобига ташланган миллатга қилинган мурожаат эди:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Тупроқ – Ватан тимсоли. Унинг кўзга тўтиё қилиниши сабаби шунда. Абдулла Орипов ҳар бир сўзга катта маъно юклай оладиган шоир. Тўтиё кўзни равшан қилиш ишлатилган модда экани назарда тутилса, шоир шеърнинг аввалидаёқ бу сўзни қўллаётгани бежиз эмас. Чунки Ватанни таниш, уни англаш учун зоҳир кўзи ҳам, кўнгил кўзи ҳам равшан бўлмоғи шарт. Ўша кезлари мустабид тузум яловбардорлари миллатнинг кўнгил кўзини беркитиш учун барча ҳаракатни қилгани маълум. Шеърнинг дастлабки сатрларидаёқ ана шу моҳият тўлақонли бадий талқин этилган.

Ҳажман катта бўлмаган шу биргина шеърда “тупроқ” сўзи олти марта ишлатилган. Лекин бу такрор ўринли ва бадий мантикқа мос, ҳар сафар у янги маъно қирраларини намоён этган. Бу ўринда “тупроқ” – Ватан образини моддийлаштирган поэтик детал. Тўрт унсурдан бири саналиши, одамзоднинг асли тупроқдан яратилгани ҳам бу сўзнинг маъно қатлами теран эканини

⁹Жабборов Н. Киноя ва рамзлар замиридаги ҳақиқат. /Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, III китоб, 2014. – Б.3.

англатади. “Киндик қони тўкилган” замин мазмуни эса ушбу сўзни миллий рух тажассумига айлантиради. Шу маънода, “тупроқ” поэтик детали Ватан образи моҳиятини кашф этишда очқич саналади.

Абдулла Ориповгача бўлган шўро даври шеърлятида Ватан ҳақида ёзилар экан, унинг ерости ва ерусти бойликларини васф этиш, уни севишга чақирқ, тарғибот-ташвиқот руҳи етакчилик қилар эди. Ҳолбуки, шеърлят тарғибот қуроли ёки ташвиқот воситаси эмас. Шоирнинг ўз таъбири билан айтганда: “Ҳақиқий лирик асарда кўз ҳам, қулоқ ҳам илғай олмайдиған, фақат руҳнинг торларигина сеза оладиган титратмалар мавжуд бўлади”¹⁰. Шунинг учун ҳам чинакам шеър оҳорли туйғуларни сувратлантиради, бетакрор бўлади. Бадиий талқин ўзанининг кутилмаған томонга бурилиши, ҳеч ким тасаввур этмаған поэтик хулосага келиниши юқоридаги шеърни миллий адабиётимизнинг бетакрор намунасига айлантирган.

Шоирнинг “Ўзбекистон” қасидаси ҳам Ватан образи ўзига хос, юксак бадиият билан тасвирлангани жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Тўғри, Абдулла Ориповгача ҳам икки улуғ шоир – Ойбек ва Ҳамид Олимжон бу мавзуда шеърлар яратған эди. Бироқ ижодкор бундан қониқиш ҳосил қилмайди. Она Ватанини бетакрор бадиият билан тасвирлаган янги – мухташам бадиий обида яратишни ўз олдиға мақсад қилиб қўяди ва бунга эришади.

Халқ тушунчаси, ташқаридан қараганда, умумий маънони ифодалағандек кўринса ҳам, шоир лирикасида аниқ образ сифатида намоён бўлади. Ижодкор шеърлятидаги халқ образи айнан индивидуаллаштирилған умумлашма ўлароқ мотив образ даражасига кўтарилганини таъкидлаш керак. Ифода этаётған мазмуниға кўра, шоир шеърлятида *халқ* образининг бадиий талқинини қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

1. Халқ образининг ўзи мансуб миллат мазмунини ифодалаши. Халққа бўлған муҳаббат ва миллий рух ифодаси – бу образнинг асосини ана шу хусусиятлар белгилайди. Шоирнинг аксар шеърлярида *халқ* ва *миллат* эквивалент тушунчалар сифатида қўлланади. Жумладан, 1964 йили ёзилған “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърляда *халқ* айнан *миллат* маъносини ифодалайди. Шеър ёзилған кезлари *миллат* атамасини қўллаш имконсиз ва шеърлятда халққа (миллатға) муҳаббатни бу тарзда ёниқ ифодалаш ҳолати деярли кузатилмаған эди. Шеърда ўша давр учун хос бўлмаған фикрнинг чақмоқдай кескирлиги, мавзуга кутилмаған жиҳатдан ёндашилгани, миллий руҳнинг тиниқ ифодаси ҳамда бадииятнинг юксак экани кузатилади. Ватан (*Ўзбекистон*) ва халқ (*миллат*) образлари ўзаро поэтик яхлитлик касб этади. Шоир талқинича, Ватанни севишдан мурод – халқ (*миллат*). Она халқнинг истиқомат маскани эканиға кўра Ватан – кўнгил қўймаса бўлмайдиған маъво. Шеърда: “*Халқим, тарих ҳукми сени агарда Мангу музликларға элтган бўлсайди, Қорликларни макон этган бўлсайдинг, Меҳрим бермасмидим ўша музларға?*” – дейилишининг сабаби шунда.

“Ўзбекистон” қасидаси – ўзбек шеърляти тарихидаги Ватанимиз шаъни

¹⁰Орипов А. Танланған асарлар. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б. 171.

юксак миллий рух билан васф этилган шоҳ асарлардан бири. Қасида она Ўзбекистоннинг шавкатли, шунинг баробарида, мураккаб ва зиддиятли воқеаларга бой ўтмиши, халқимиз тарихининг нурли ва зулматли кезлари, давлатчилигимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутган буюк тарихий сиймолар ибрати, миллатимизнинг жаҳон илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси каби масалалар мукамал поэтик тизим асосида юксак бадиий талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради. Қасидада Ватан қисмати ҳақида сўз кетар экан, халқ образи бадиий тасвирнинг марказида туради. Шоир она халқини *баридан суюк, буюк* сифатлари билан улуғлайди, *жон-таним* дея эъзозлайди. Халқ (миллат) ва Ватанга бўлган муҳаббатини баланд пафос билан изҳор этар экан, шоир она юртининг бошидан ўтган оғир замонларни ёдга олади. Ўтмишдаги синовларни енгиб, улардан омон ўта олган халқини алқайди. Шеърдаги: “*Ҳар учраган нокасу нодон, Она халқим, ёқангдан тутди*” сатрлари чуқур изтиробни ифодалашни баробарида халққа бўлган муҳаббат туйғусини мужассам этади. *Ёқадан тутмоқ* – қалбга тез ва кучли таъсир қиладиган чинакам ўзбекона ибора. Адабиётшунос Сувон Мели фикрича: “Ёқадан тутмоқ” идиоматик ибораси беозор турган бировга озор бериш ва, кўпинча, ноҳақ озор беришни киши кўз олдида аниқ жонлантиради. Бу ибора “Она халқим, ёқангдан тутди” сатрида эса айрича теран маъно кашф этадики, аслида, умумий тушунча бўлган халқ бу сатрда (бутун шеърда ҳам) жуда конкрет лирик персонажга айланади”¹¹.

2. Халқ – онага қиёсланувчи суюкли эл образи сифатида. Мақоллар нафақат халқ ҳаётининг ойнаси, балки элнинг орзуларию армонлари ифодаси сифатида ҳам қадрлидир. Жумладан, “*Тўра меҳмон, эл қўноқ*” мақоли турмуш тажрибасидан олинган. Ҳар қандай мақолда миллат руҳи ифодаланиши эътиборга олинса, улар моҳиятининг шеърдаги бадиий талқини нечоғлик аҳамиятли экани маълум бўлади. Абдулла Ориповнинг “Халқ” шеъри ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Мана, шеър қандай сатрлар билан бошланади:

Ҳамма нарса ўтади, мансаб, шону шавкат ҳам,
Шириндан ширин қолур, талхдан эса қолур талх.
Бир куни тупроқ бўлур тенгсиз шамси талъат ҳам,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Мумтоз шеъриятда халқ мақолларидан, масал ва ҳикматлардан фойдаланиш *ирсоли масал* деб номланиши маълум. Ушбу бадиий санъат “...гапда ёки шеърда мақол, матал ва ҳикматли сўзларни муайян мақсадда тамсил йўли билан ишлатмоқдир”¹². Замонавий шеъриятимизда Абдулла Орипов бу санъатни юксак маҳорат билан ва энг кўп қўллаган шоир. Юқоридаги мисраларда мазмуни сақлангани ҳолда “*Тўра меҳмон, эл қўноқ*” мақоли шоир томонидан ижодий қайта ишланиб, “*фақатгина қолур халқ*” шаклига келтирилган. Шоир тuroқнинг мукамаллигини сақлаш, шеърда ифодаланаётган мазмунга кучлироқ урғу бериш мақсадида бир сатрда мақол мазмунини жузъий ўзгариш билан такрорлайди: “*Фақатгина халқ яшар,*

¹¹Сувон Мели. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020. – Б. 194

¹²Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – Б.47

фақатгина қолур халқ”.

Адолат элнинг кўз-қошига қиёсланиши, “*Ургани ун оши, сўккани сўк оши*” мақолига юкланган теран мазмуннинг ҳаётийлиги, халқона “*Юрт оғирин тортиш*” иборасида ифодаланган туйғунинг самимияти – барчаси шеърнинг ушбу банди таъсирчан ва бадий юксак бўлишини таъминлаган. Умуман, Абдулла Орипов шеърлятида бирорта ҳам ясама сўз ёки ибора ишлатилмайди. Миллий руҳни бетакрор ифодаловчи соф ўзбекча сўз ва ибораларнинг маҳорат билан кўлланиши, фикрнинг беқиёс фалсафий кўламга эга экани, туйғунинг самимийлиги ва ростлиги, теран мазмун ва бадий шаклнинг бениҳоя мутаносиблиги – Абдулла Орипов шеърлятининг ўзига хослигини белгиловчи асосий омиллар. Шоирнинг ўзи эътироф этган мана бу сўзлар ҳам бунинг исботидир: “Халқнинг ўлмас руҳиятини, кадриятларини, миллий ўзига хослигини, ва ниҳоят, бебаҳо тил бойлигини мужассам эта олган ҳақиқий ижод намуналаригина яшашга ҳақли”¹³.

Абдулла Ориповнинг маъно камрови кенг, мураккаб композицияли “Юзма-юз” шеърининг ҳам ўзак сатрлари халқ образи талқини билан боғлиқ. Шоир қаерда, қандай вазиятда бўлмасин, она халқи бир лаҳза ҳам хаёлидан кўтарилмайди. Буни шеърда шоирнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди:

Мен уни ўйлайман тун кечаларда,
Она халқим, дейман, меҳрим оқар жим.
Кўзимга баъзида кўринса жанда
Кўнглим тўлиб кетар, инграйман, халқим.

Не-не замонлар ўтса ҳам толе кўрмаган, пиширган таомидан ўзи бенасиб қолган, ўзи киймай ўзгаларга кийдирган, юздузни кашф этиб, авом номини олган, Фурқатлари бадарға қилинган, Алишерлари безгакка чалинган она халқи учун куйиниш ҳисси шеърнинг ўзак мисраларини ташкил этади.

3. Халқ даражасига ўсиб чиқмаган оломон талқини. Оломончилик кайфияти халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлиши йўлидаги энг катта тўсиқдир. Чунки оломон ўзига ва оламга тафаккур назари билан боқмайди. Миллий ўзлик деган туйғу унга бегона. Миллатнинг тарихи ва бугуни уни заррачалик қизиқтирмайди. Келажак ҳақида эса мутлақо ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ана шу хатарли тоифа ҳақидаги “Оломонга” шеърини Абдулла Орипов 1980 йили ёзган. Бу шеър ўзбек адабиётида, миллий шеърлятимизда чинакам воқеа бўлгани маълум.

Абдулла Орипов талқинича, бу тоифанинг ажралиб турадиган хусусиятларидан бири – томошага ўчлик. Шўролар ҳукумати барча қабоҳатларни халқ номидан амалга оширгани маълум. Миллатнинг фидойи фарзандлари қатағон қилинганда, уларга “халқ душмани” ёрлиғи ёпиштирилган, улар устидан адолатсиз ҳукм ҳам халқ номидан ўқилган. Шоир оломоннинг халқ даражасига ўсиб чиқа олмагани, унинг қаршисида ҳасратли ўйга толиши ҳақида ёзади.

Лирик меросидаги аксар шеърлари қатори “Оломонга” шеъри ҳам Абдулла Ориповнинг одамзод ва жамият ҳаётига теран фалсафий баҳо бера

¹³Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994, – Б.170.

оладиган мутафаккир шоир экани исботидир. Эътиборли жиҳати, у айни шу мавзуга доир ягона шеър эмас. Шоирнинг “Эверест ва уммон” тўплами “Тўда” сарлавҳали шеър билан очилади. Шеърнинг аввалида минг йиллардан буён жами ҳайвонлар – бўрилар, шоқоллар, шерлар, арслонлар тўда-тўда бўлиб яшаб келгани, бирга ов қилишиб, егуликни бирга егани ҳақида сўз боради. Кейинги сатрларда тўданинг ажралиб турадиган хусусияти мана бундай талқин этилади: *“Тўданинг босқини даҳшат жуда ҳам, Мамонтни йиқитган бир тўда одам. Агарда қўзиса тўданинг феъли, Унга тенг келолмас сойларнинг сели. Хос унга ёвузлик, шафқатсизликлар, Қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизликлар”*.

Абдулла Орипов лирикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, шеърнинг дастлабки сатрларида шоир кўзлаган ижодий ният сездирилмайди, яширин туради. Сатрдан сатрга ўтган сайин матннинг фалсафий моҳияти оз-оздан очила боради. Яқунловчи мисраларда ўқувчи хаёлига келтириши қийин бўлган катта фалсафий поэтик хулоса чиқарилади. Ушбу шеърда ҳам айни ҳолат кузатилади. Тўданинг босқини даҳшатли бўлиши, бир тўда одам ҳатто мамонтни ҳам йиқита олиши, феъли қўзиса, сойларнинг сели ҳам унга тенг кела олмаслиги ҳақидаги мисраларда ҳам ижодий ният охиригача англашилмайди. *“Хос унга ёвузлик, шафқатсизликлар, Қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизликлар”* сатрларида тўданинг хусусияти нисбатан яққолроқ очилади: яъни бу тоифани ҳаракатга келтирувчи асосий куч – нафс кутқуси. Ана шу кутқу уни ёвузликка, шафқатсизликка бошлайди. Энг даҳшатлиси, ёвузлик қилишининг сабаби очлиги эмас – очкўзлиги, қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизлигидир. Шеър қуйидагича хулосаланади:

Ирсият сўзини айтишмас бекор,
Барчаси то ҳануз йўқолмаган, бор.
Бир ҳисни яшириб ахир нетаман,
Тўдани кўрганда кўрқиб кетаман.

Ушбу шеърдаги *тўда* моҳиятан *оломон*нинг вориси, дейиш мумкин. Фақат у замонга мослашган, ўз манфаати йўлида *оломон*дан кўра ҳам айёрроқ, қора ниятига эришмоқ йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган тоифа. Абдулла Орипов қарашича, оломон ҳам, тўда ҳам халқ даражасига ўсиб чиқмаган тубан тоифалар саналади. Оломонлик ва тўдалиқ кайфияти одамийликка зид ва жамият тараққиёти йўлидаги тўсиқдир.

Умуман, Абдулла Орипов шеърлятида *халқ* етакчи ўринда турувчи образлар сирасига киради. Шоир қайси мавзу ёки жанрда ёзмасин, шеърларида она халқига бўлган муҳаббат туйғуси бор кўлами билан акс этади ва миллий руҳни бетакрор ифодалашга хизмат қилади. Ижодкор лирикасида *халқ* образи *мотив образ* даражасига кўтарилган ва *Ватан* образи билан узвий боғлиқликда тасвирланади.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли *“Абдулла Орипов шеърлятида она образи тасвиридаги ўзига хослик”* деб номланган. Она – ўзбек адабиётида, хусусан, миллий шеърлятимизда энг кўп ва фаол қўлланган бадиий образ. Шоир

лирик лирикасида она образи талқинини мавзу ва ифода моҳияти жиҳатидан қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади:

1. Оқ сунт бериб ўстирган она образининг поэтик сувратланиши. Шоирнинг бу мавзуга доир “Онамга хат” деб номланган биринчи шеъри 1963 йили ёзилган. Қуйидаги мисралар билан бошланган шеърда ижодкорнинг руҳият мусаввири экани яққол намоён бўлган:

Қайтгим келди, онам, ёнингга
Юрагимда исмсиз дардлар.

Шеърнинг давомида шоир ўз руҳий ҳолатини айрим поэтик деталлар орқали тасвирлайди: *совуқ хона, соат чиқ-чиқи, ташқарида хазонрез боғлар, ёмғирнинг жим хониш қилиши...* Улар бари онасини ёдга туширади. Натижада ижодкор онасининг ёнига қайтмоқ истади. Одамзодга хос шундай хусусият бор: кўнглини ҳар кимга ҳам очавермайди. Лекин онага... Ҳузурда дил дафтарини хижолат тортмасдан, бемалол очиш мумкин бўлган ягона сиймо бу – она. Табиийки, шоир бу хатни онасига юбормаган. Бунинг учун ёзилмаган бу мактуб. “*Шодмон юрсам, менинг ёдимга Сен тушмайсан ростдан, онажон*” – ижодкор кўнглидан кечган туйғу ҳеч бир бўёксиз, самимий ва ҳаққоний ифодаланган бу сатрларда. Ушбу мисралар туйғунинг ростлиги ва самимияти билан ҳам таъсирли. Шеърнинг хотимаси шоирнинг кичик ҳаётини воқеликдан, баъзан эса мўъжаз вақт оралиғидаги руҳий кечинмадан катта поэтик умумлашма чиқара олишининг исботи сифатида ҳам аҳамиятлидир:

Аммо ҳаёт ўзи, биламан,
Солар сени ёдимга бот-бот.
Яъни, бошимизни доим ҳам
Она бўлиб силамас ҳаёт.

Чиндан, одамзод қувончли дамларида, муваффақиятлардан кўнгли тоғдек кўтарилган кезларда эмас, энг ғуссали чоқда, қийинчиликка дуч келган вазиятларда, одатда, онасини ёдга олади. Чунки, шоир айтмоқчи, ҳаёт ҳар доим ҳам одамзоднинг бошини она бўлиб силайвермайди.... “Оналарнинг образи ўзи битта, – деб ёзади Абдулла Орипов. – Лекин шакл-шамойили, исми ҳар хил бўлиши мумкин. Миллати ҳам, боринги, дини ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин ҳамма оналарнинг фазилати бир хил. Умуман, ҳамма динда, миллатда она деган касб битта. Она – бу меҳр дегани. Она фарзанд учун яшайди, афсуски, фарзанд она учун яшамайди. Шундай катта фарқ бор. Она боласи учун доим тайёр туради. Лекин фарзандни эса албатта она учун қурбон бўладиган тарзда фидойи қилиб тарбиялаш керак”¹⁴.

Абдулла Ориповнинг ўзи ҳаётда онасига ана шундай фидойи фарзанд бўлгани “Онажон” шеърида таъсирчан ифодаланган. “*Онам Турди Карвон қизи хотирасига*” деган қайд ва айниқса, ундаги “*хотирасига*” сўзи замирида мўътабар сиймодан айрилиш дарди акс этган. Улкан изтиробга йўғрилган қуйма сатрлар ўқувчи қалбида ҳам титроқ пайдо қилади:

¹⁴Орипов А. “Шарқ юлдузи” журнали ўқувчилари саволларига жавоблар. /Танланган асарлар. 6-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2010.- Б.243.

Неча кунки йўқ оромим,
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.
Кўлларида оқ елпиғич
Ой нурида ялтирар.
Онажоним имлаб мени
Қошларига чақирар.

Қалби адабиётга ошно ҳар бир одам ёд биладиган мисралар чуқур мазмун ва гўзал бадиият уйғунлигида ижод этилган. Онаси вафот қилганда шоир йигирма беш ёшда бўлган. Лекин ушбу шеърда туйғунинг болаларча самимийлиги, кўнгилдаги дард изҳорининг ҳаққоний ва таъсирчанлиги ўқувчи эътиборини тортмай қолмайди. Кўзларида ҳаяжон билан гоҳо бешик келтириб, ётар пайти бўлганини айтиб чорлаётган, сўнг фиғонидан дуд чиқиб югураётган боласини йиғидан қайтариб, кўлига тобут тутқазаетган онани туш кўради шоир. Тонгда руҳсиз кўз очади, айрилиқ азобидан танда жони қоврилади. Бу ҳам етмагандек, укалари онамдан ажрадик, деб бағрини эзади.

“Онажон” – автобиографик характерга эга шеър. Шеърда она образи билан параллел равишда шоирнинг ўзи ҳам фаол иштирок этади. Шеър орқали биз шоир ўсиб улғайган оилавий муҳит, унинг кечинмалари, руҳий олами билан яқиндан танишамиз. Муҳими, шеърда биографик лавҳалар ҳам миллий руҳ ва юксак бадиият мутаносиблигида тасвирланади. Жумладан, ўзи мусибат чекаётган бўлса-да, ўзгаларга яхшилик соғинишдек ўзбекона оққўнгилик шеърда мана бундай ифодаланади: *“Бевақт хазон бўлмай ҳар ким Яшаб ўтсин дунёда. Онажоним, ҳар ким ошин Ошаб ўтсин дунёда”*.

Умуман, ушбу шеър оқ сут бериб ўстирган мўътабар онанинг пок хотирасига бағишлаб Абдулла Орипов яратган ўлмас бадий обида сифатида ўзбек шеърининг тарихида алоҳида ўрин тутади.

Она образи – Ватан ва миллат рамзи. Абдулла Орипов она образини Ватан ва миллат маъносида ҳам фаол қўллаган. “Ўзбек онаси” шеъри таҳлили ҳам ушбу фикрларни тасдиқлайди: “Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг, Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг, Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг, Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси, Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси”.

